



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 6 октябрь, № 192 (6375)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2015 йил 7-8 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

Ўзбекистон — Туркменистон:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов расмий ташриф билан юртимизда бўлади.

Халқларимизнинг жўроқ-фий, маданий ва тарихий жиҳатдан муштараклиги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга замин яратди. Хозирги кунга келиб сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳалардаги 180 га яқин ҳужжатни ўз ичига олган икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги доимий ва сермахсул мулоқот Ўзбекистон — Туркменистон конструктив муносабатлари ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. 2014 йил октябрда Ашхобода бўлиб ўтган сўнгги учрашув чоғида глобал ҳамда минтақавий хусусиятга эга бўлган қатор масалаларда мамлакатларимиз нуктаи назарларининг мос келиши ёки ўхшашлиги таъкидланган эди.

Шу ўринда минтақавий ҳавфсизлиқни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, хусусан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича икки давлат ўртасида умумий ёндашув мавжудлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон ва Туркменистон бу қўшни мамлакатга муҳим инфратузилма объектларини қайта тиклаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишда кўмак бериб келмоқда.

Мамлакатларимиз Марказий Осиёда трансгегара-

вий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласида ҳам ягона ёндашувга эга. Ўтган йили Ашхобода ўтказилган олий даражадаги музокаралар чоғида сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, жумладан, трансгегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда БМТ конвенцияларида белгиланган халқаро меъёрларга мувофиқ иш тутиш, бундай объектлар лойиҳаларини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Жорий йилнинг январь — август ойларида икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошловда ҳажми 245 миллион АҚШ долларига етди. Мамлакатимиз экспортининг асосий қисмини минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги товарлари, қурилиш материаллари, электр ва механика асбоб-ускуналари ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ташкил қилади. Ўз навбатида, Туркменистондан нефть маҳсулотлари ва пропилен полимерлари импорт қилинади. Бундан ташқари, ҳар икки мамлакат ўзаро транспорт-коммуникация ва бошқа хизматларни кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбек пахта толаси: САНОАТБОП ВА ХАРИДОРГИР



Президентимизнинг 2015 йил 30 июлдаги фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 15-16 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги форумда бу борада янада юқори натижаларга эришилиши кутулапти. Негаки, унда иштирок этиш истagini билдираётган хорижий компания ва фирмаларнинг сони муттасил кўпаймоқда.

Айни пайтда ушбу нуфузли тadbирга “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимида ҳам пухта тайёргарлик

Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси (ICAC)нинг энг муҳим тadbирлари реестрига киритилган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида чет эллик харидорлар томонидан тузилаётган шартномалар ҳажми йил сайин ортиб бораёпти.

кўрилат. Зеро, толамиз рақобатбардорлиги таъминланишида тизимда фаолият кўрсатаётган 13 та худудий “Пахтасаноат” акциядорлик бирлашмаси, 98 та пахта тозалаш заводи, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ ҳамда 34 та махсус уруғлик чигит тайёрлаш цехининг ролти бекиёс.

Дарҳақиқат, хом ашёни ўз вақтида қабул қилиш, уни сақлаш, сифатли қайта ишлаш, махсулот ишлаб чиқариш ҳамда пахта ни терминлар орқали буюртмачиларга жўнатиш, шунингдек, гўзанинг уруғлик фондини тайёрлаш каби юмушлар

ушбу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилади. Кейинги йилларда улар тубдан модернизация қилиниб, амалиётга инновацион ишланмалар кенг татбиқ этилаёпти. Пирова-рида иш унумдорлиги ошиб, юқори тежамкорликка эришилди, пахтадан “Олий” ва “Янши” синфига мансуб тола олишга муваффақ бўлимоқда.

— XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчиларини мустақиллик йилларида пахтачилик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, тизимдаги янгиланишлар билан

яқиндан таништириш мақсадида Юқори Чирчиқ туманидаги “Ўзбекистон пахта тозалаш” очик акциядорлик жамиятида кутиб олиш режалаштирилган, — дейди “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ бош директори Давлат Юлдашев. — Дунёнинг етакчи енгил саноат ва тўқимачилик компаниялари мутахассислари, олимлар ҳамда экспортларга мазкур корхона фаолияти мисолида юртимизда пахта ни қайта ишлаш жараёнига татбиқ этилаётган замонавий технологиялар тақдим қилинади. Айни чоғда амалий мулоқотларга киришиб, соҳа истиқболи ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

(Давоми 3-бетда).

САЙЁҲЛИК ИНДУСТРИЯСИ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР



“Ўзбектуризм” Миллий компанияси ҳамда “Буюк Ипак йўли” реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган мазкур нуфузли тadbирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатлар сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари,

мутахассислар ва дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда сайёҳлик соҳасини, жумладан, ички туризмни изчил ривожлантириш, мамлакатимизга келаётган хорижий сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган сайёҳар-катлар ўзининг ижобий самара-

ларини бераёпти. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида республикамизга бир миллионга яқин хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Ўтган йилнинг шу давридаги билан қиёслаганда, бу борада 7 фоизлик ўсишга эришилган.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз тарихий қадамжолари кўплиги бўйича

дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Республикаимизда турли даврлар ҳамда цивилизацияларга оид етти мингдан зиёд ёдгорликлар бор. Қолаверса, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ҳамда битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналари-

миз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган турли соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг қанчалар буюк маънавий бойликка эга эканлигимизнинг яққол ифодасидир. Жаҳонда бунчалик катта меросга эга бўлган халқ камдан-кам топилади.

(Давоми 2-бетда).

Депутатлар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилишди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Парламент қўйи палатасининг мажлиси кун тартибига киритилган масалалар аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи йиғилишларида муҳокама қилинган эди.

Парламент аъзолари ўз ишини янги таҳрирдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошлади.

Амалдаги Қонун қабул қилинганига 17 йилдан зиёд вақт ўтди. Шу давр мобайнида ушбу соҳада аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҳамда фармацевтика саноатини ривожлантиришга оид кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Йиғилишда депутатлар томонидан қайд этилганидек, мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар аҳоли сало-

матлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтарди. Қабул қилинаётган ишчил чора-тад-

бирлар аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш, фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштиришга имкон яратмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари мазкур қонун лойиҳасининг ишлаб чиқишлиш фармацевтика фаолияти ва дори воситалари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг тиб-

бий амалиётда самарали қўлланилиши, шунингдек, аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлашда долзарб аҳамиятга эгалигини таъкидлашди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасидан маърузачи М. Ходжаева қайд этганидек, қўмита томонидан олиmlар, юқори малакали мутахассислар ҳамда экспертлардан иборат тузилган ишчи гуруҳи 30 дан ортқ тadbирлар, шу жумладан, жойларда фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи тadbиркорлар, турли соҳа вакиллари иш-тироқида жамоатчилик муҳокамаларини ўтказди.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

Президентимиз жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига ташрифи давомида кўплаб соҳалар равнақига доир тақлиф ва тавсияларни бердилар.

Кўнглимиз қувончга тўлди

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, хом ашё етиштириш билан кифояланмасдан, уни қайта ишлашни йўлга қўйиш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини кўпайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини алоҳида таъкидлагани бизни беҳад қувонтирди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қишлоқ мулкдорлари нафақат аграр сектор, балки саноатда ҳам етакчи қўчга айланиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятимизда мавжуд 8,5 мингдан ортқ фермер хўжалиқларининг 60 фоиздан зиёди кўп тармоқли субъектга айлантирилгани бунинг тасдиғидир. Албатта, буларнинг барчасини биз, ер эгалари учун яратилаётган беқиёс имконият ва берилаётган имтиёзлар самараси, деб биламиз.

Ортбошимиз таъкидлаганидек, фермер бир пайтнинг ўзида ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам мироб, керак бўлса, ҳуқуқшунос ҳам бўлиши зарур. Ўз фаолиятида ана шу жиҳатларни бош мезон сифатида белгиллаган қишлоқ мулкдорлари, албатта, қўзлаган мақсадига эришади. Учрашув давомида билдирилган бундай фикр-мулоҳазалар мени ҳам гоят тўлқинлантириб юборди.

(Давоми 2-бетда).



Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида “Ипак йўлида туризм” йигирма биринчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси иш бошлади.



Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форумининг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Бу галги анжуман «Корея Республикаси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш» мавзусига бағишланди. Унда Жанубий Корея, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этди.

ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ИЗЧИЛ АЛОҚАЛАР

СЕУЛ, 5 октябрь. ЎЗА махсус мухбири
Ирода УМАРОВА хабар қилади.

Форумда Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Чо Тхэ Ёнг, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ғайрат Ғоziлов ва бошқалар Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик кенг қўламли ва мустаҳкам эканини таъкидлади. Бунда «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳурмат, яқин дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган. Икки давлат ўртасидаги алоқалар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация асосида тараққий етмоқда.

Мамлакатларимиз Президентлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ва халқларимизнинг муштарак интилишлари самарасида бу муносабатлар барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 27-29 май кунлари

Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ташриф доирасида имзоланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлик қўлами савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озик-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳаларни қамраб олган. Савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзбекистонда Жанубий корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тўрт юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро товар айирбошлов ҳамми мунтазам ўсиб бормоқда. Устурт газ-кимё мажмуи, Қандим газни қайта ишлаш мажмуи, «Навоий» интермодал логистика марказида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон — Туркменистон:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссияси муҳим ўрин тутadi. Мазкур тузилма савдо ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар ҳамда механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган. Комиссиянинг 2015 йил 18-19 август кунлари Ашхободда ўтказилган XI йиғилишида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини ошириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди, транспорт ва транзит, илмий-техникавий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда шериклик ва ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Транспорт коммуникациялари соҳаси мамлакатлари-ми ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда яна бир устувор йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг жуғрофий жойлашуви, ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш салоҳияти мазкур жабҳада улкан имкониятлар эшитгини очиб беради. Хусусан, автомобиль ва темир йўл тармоқлари, шубҳасиз, минтақада жойлашган давлатлар ҳамда уларнинг иқтисодий шериклари учун қўлай транзит комплексини ташкил қилади. Шу муносабат билан, 2011 йили имзоланган Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уймон янги халқаро транспорт-коммуникация йўлиғини барпо этиш бўйича битим ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил октябрь ойида Ашхободга расмий ташриф чоғида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди.

Ушбу лойиҳанинг ҳаётга таътиб қилиниши Яқин Шарқдаги бандаргоҳларга энг қисқа йўлдан фойдаланиш, иштирокчи мамлакатлар ўртасида божхона ва юк ташини соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантиришга имкон яратиши баробарида, Марказий Осиё минтақасига киритилаётган сармоялар оқимиға янги туртки беради

ҳамда бошқа мамлакатларнинг мазкур коридордан фойдаланишга нисбатан қизиқишини оширади.

Жорий йилнинг февраль ойида юқорида таъкидланган битим доирасида Мувобиклаштирувчи кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди. Унинг яқунига кўра, лойиҳани энг қисқа муддатларда амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилишни кўзда тутувчи протокол имзоланди.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тарихий ҳамда маданий муштараклиги халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашув ва ўрматни мустаҳкамлаш учун кенг замин яратadi. Алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида икки мамлакат маданият вазирликлари томонидан таниқли мусаввирлар асарлари кўргазмалари, хунармандчилик буюмлари ярмаркалари, мусика ҳамда театр жамоларининг ижодий сафарлари ташкил этилмоқда.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг 2013 йил ноябрь ойида Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳада Ҳамкорлик дастури имзоланиб, у давлатларимизро мазкур йўналишдаги алоқаларнинг жадаллашувиға замин яратмоқда.

Жорий йил ёзида Тўрткўл, Қарши, Термиз, Бухоро, Тошкент шаҳарлари ва Тошкент вилоятида Республика туркман маданият маркази ҳамда “Ўзбекистон — Туркменистон” дўстлик жамияти томонидан икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларига ижобий таъсир кўрсатадиган турли тадбирлар ўтказилди.

Халқларимизнинг тарихан шаклланган ақин дўстлик ришталари ва муштарак маданий илдизлари Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги ўзаро англашувнинг мустаҳкамланиши ҳамда сермахсул ҳамкорликнинг ривожланишиға хизмат қилади. Давлатларимиз раҳбарларининг бўлажак учрашуви эса икки томонлама алоқаларнинг янада кенгайишиға муносиб ҳисса қўиши, шубҳасиз.

«Жаҳон» АА.

Кўнглимиз қувончға тўлди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун ўз меҳнати роҳатини кўраётган қишлоқ мулкдориман. 2004 йили, Президентимиз Фармониға мувофиқ, “Меҳнат шўҳрати” ордени билан тақдирланган эдим. Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвонига лойиқ топилдим. Бу юксак мукофотни барча фарғоналик фермерларнинг фидокорона меҳнатиға берилган юксак баҳо, деб биламан.

Утган йили хўжалигимизға қарашли 67 гектар майдонда парваришланган пахта ва галла ҳосилидан 30 миллион сўмдан зиёд соф фойда олган эдик. Жорий йилда бу кўрсаткичнини янада қўлайтириш ҳаракатидамиз. Чунки Юртбошимизнинг оталарча меҳри, ғамхўрлиги бизни янада катта муваффақиятлар сари илҳомлантирмоқда. Зотан, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз бош меъморининг олижаноб гоёлари тимсолида халқимизнинг эзгу орзу-мақсадлари мўжассам.

Забихон РУСТАМОВА,
Тошлоқ туманидаги “Заркент саховати”
фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини эндиликда халқаро жамоатчилик тан олмақда ҳамда эътироф этапти. Айтайлик, бир вақтлар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз каби шаҳарларимиз ҳақида етарлича тасаввурға эга бўлганлар хорижликлар бугун бу ажойиб кентлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олганини яхши билади. Уларнинг тарихини чуқурроқ ўрганишға, зиёрат қилишға ошиқдир. Бинобарин, АҚШнинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузға эға бўлган интернет нашрларидан

бири Самарқандни “Дунёнинг албатта бориб қўриш керак бўлган элликта шаҳри” рўйхатига киритгани ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, дунёға машҳур “Евро-ньюс” телеканалда шу йилнинг сентябридан эътиборан Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида қадг диққатға сазовор жойлар тасвирланган лавҳалар намойиш этилаяпти. Бу чет элликларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Бугун Ўзбекистонда 1279 сайёҳлик ташкилоти, хусусан, 548 меҳмонхона, сайёҳлик базалари ва кемпинглар, 731 сайёҳлик компанияси фаолият юритмоқда. Дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, уларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётгани, янги сайёҳлик йўналишлари таклиф этилаётгани ту-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида депутатлар, Демократик кучлар блоки ва муҳолиф фракциялар аъзолари, экспертлар ҳамда фуқаролик жамиятини институтлари вакиллари томонидан 100 дан зиёд таклиф ҳамда мулоҳазалар олинди. Шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг ушбу соҳадаги муносабатларни қонунчилик орқали тартибга солиш бўйича илгор тажрибаси ўрганилди. Бу эса қонун лойиҳасини сезиларли даражада такомиллаштиришға имкон яратди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси очик ва ошқора, мунозара асосида ўтгани ушбу ҳужжатнинг муҳим ижтимоий аҳамиятға эгаллигини кўрсатади.

Мисол учун, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари таъкидлаганидек, қонун лойиҳаси фармацевтика фаолияти соҳасидаги тадбиркорлар манфаатларига ҳам хизмат қилиши керак. Шу муносабат билан қонун лойиҳасининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини қаролатлайдиган нормаларини аниқлаштириш зарурлиги тўғрисида таклиф билдирилди. Шунингдек, дорихонанинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, дори воситалари учун рухсатнома олишни тартибға солишға қаратилган нормаларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳасида тегишли лицензияға эға бўлган дорихоналар томонидан дори-дармонларнинг тайёрланиши ҳақидаги норма мустаҳкамланаётгани муҳим аҳамиятға эгаллигини қайд этди.

Дори воситаларининг реклама-сига оид норма мажлис иштирокчиларининг жиҳдий баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Хусусан, юқоридagi фракция тадбиркорлар томонидан дори воситалари реклама-сини эркин жойлаштиришни қўллаб-қувватлаш ҳақида фикр билдирган бўлса, муҳолифатдаги **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари дори воситалари рекламасини чеклаш заруратини илгари сурди, не-гаки, шифокор маслаҳатсиз қабул қилинган дорилар айрим ҳолларда инсон саломатлигиға жиҳдий хавф солиши мумкин. Конструктив фикрлар алмашинуви натижасида қонун лойиҳасининг дори воситалари рекламаси ва ахборотиға тааллуқли 14-моддаси ўзаро келишилган тахрирда ишлаб чиқилди.

Замонавий дунёқара-ш ва чуқур биллиға эға, миллий ҳамда умуминсоний қадрият-ларға садоқат руҳида тарбияланган, ватан-парварлик ҳисси юксак авлодчи вояға етказиш мамлакатимизда амалға оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

МУНОСАБАТ

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини жаҳон стандартлари асосида такомиллаштириш мустақил тарқийёт стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юртимиз келажагини бевосита белгилаб берувчи мазкур соҳа мустаҳкам ҳуқуқий пойде-ворға эға бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида қатор қонун ва бошқа меъ-ёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилинган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг ҳаётга таътиб этилган дастлабки қонун ҳужжатларидан бири — 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси-

да ёшларға оид давлат сиё-сатининг асослари тўғриси-да”ги Қонун экани ҳам, ав-вало, ўсиб келаётган авлод камолотиға қаратилган улкан эътибор ҳамда ғамхўрлик ифодасидир. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, шу билан бирга, қамрови ва мақсадларига кўра дунёда ўхшаши йўқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доира-сида кенг қўламли ўзгариш-лар рўёбға чиқарилди. Бошқача айтганда, иқтисо-дийёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоғи учун юқори малакали, рақобатдош кад-рлар тайёрлашнинг, навки-рон авлодни маънавий етук ҳамда соғлом қилиб вояға

етказишнинг яхлит тизими шакллантирилди.

Бугунги кунда миллионлаб ўғил-қизларимизнинг энг замонавий ўқув-тарбия масканларида илгор педаго-гик технологиялар асосида тахсил олаётгани, илм-фан сирларини пухта эгаллаш билан бирга, ўз қизиқиши ва лаёқатига кўра муайян касб-хунар эгаси бўлиб етишаёт-гани, ёшларимизнинг мин-тақада нуфузи ошиб бора-ётган олий ўқув юртлари-мизда халқаро андозлар даражасида билим ва кўник-малари мустаҳкамланаётга-ни, кўркам санъат ҳамда спорт масканларида икти-дор эгаларининг кашф эти-лаётгани ва юксак марралар сари рағбатлантирилаётгани — буларнинг барчаси таъ-лим моделимизнинг нечоғ-ли пухта ва самарадорлиғи-дан далолат беради.

Фарзандларимизнинг

дунёда ҳеч қимдан кам бўлмай камолға етаётгани ҳамда жаҳон майдонида буюк аждодларнинг муносиб ворислари эканини аққол намоеён этаётгани, шубҳа-сиз, чинакам фидойи инсон-лар — ўқитувчи ва мураб-бийларнинг заҳматли меҳна-ти махсули, десак, янглиш-маймиз. Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва му-раббийларига йўллаган бай-рам табриғида, жумладан, шундай дейилади: “Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун бор-лигини бағишлаб, барчамиз-ға эзгуликдан сабоқ берган, отадек муътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устоз-ларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча тахсин ва ташаққурлар айт-сак, арзийди”.

Албатта, ёш авлод камо-

Депутатлар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришға йўналтирилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилишди

Қонун лойиҳаси муҳокамасидан сўнг депутатлар “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонунни янги тахрирда қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шундан сўнг депутатлар янги тахрирдаги “Ветеринария тўғриси-да”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Амалдаги “Ветеринария тўғриси-да”ги Қонунда профилактик, таш-хислаш ва даволаш ҳамда хайвон-ларнинг лаборатория текшируви тадбирларини ташкил этиш ва ўтка-зиш тартибини назарда тутадиган нормалар йўқлиғи, давлат ветери-нария назорати остидаги товарлар-ни ишлаб чиқариш ҳамда айирбош-лашда ветеринария талаблари ўрнатилмаганилиги таъкидланди.

Қонун лойиҳасида қонун норма-ларининг тўғридан-тўғри таъсири-ни таъминлаш, ушбу соҳадаги нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир-лаштириш ва тизимлаштириш мақ-садида қонуности ҳужжатлар бил-ан белгиланган ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида мустаҳкамлан-ган бир қатор янги қоидалар кўзда тутилган. Хусусан, қонун лойиҳаси билан “ветеринария”, “ветеринар, ветеринар-санитар қоида ва нор-малар”, “ветеринар дори восита-лари” ва бошқа тушунчалар мус-таҳкамланмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси сай-ловчилар, давлат органлари вакил-лари, жамоат бирлашмалари билан бўлган учрашувлар чоғида кенг муҳокама қилинганини алоҳида таъ-кидлади. Бу эса ҳужжатни иккинчи ўқишда тайёрлашда катта роль ўйнади. Умуман, келиб тушган 100 га яқин таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди ва ўрганилди, уларнинг асарияти конструктив ха-рактерға эға бўлиб, қонун лойиҳа-сини қайта тайёрлашда ҳисобға олинди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини муҳокама этиш бўйича фракцияла-раро очик баҳс-мунозара бўлиб, унда қуйи палатадаги фракциялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари қонун лойиҳасини нормаларини амалға ошириш механизмини аниқлашти-риш бўйича қатор таклифлар бил-дирдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилар-монлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидлага-нидек, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни мустаҳ-кам ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъ-минлаш бўйича зарур шароитлар-ни яратишға қўмаклашиш партия-нинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, фракция аъзолари 13-модданинг давлат ветеринария инспекторла-рининг давлат ветеринария назо-ратини амалға ошириш муддатла-ри ҳамда ветеринария соҳасида қонун талаблари бузилиши аниқ-ланганда тўхтатиб қўйиш, тақиқлов-чи чоралар қўриш бўйича ваколат-ларини, шунингдек, уларни тадбир-корлиқни мустаҳкам ҳимоя қилиш соҳасидаги, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-лари фаолиятини текширишни ка-майитириш бўйича қонунчилик та-лабларига мос келтиришға қара-тилган нормаларини аниқлашти-ришға доир таклиф киритдилар.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фрак-цияси аъзолари ветеринария соҳа-сида тадбиркорлик фаолиятини юри-тиш учун рухсат бериш таомилла-рини соддалаштиришға қаратилган нормалар мазкур қонун лойиҳа-сини ижобий хусусиятларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Фракция аъзоларининг фикрича, “ве-теринар осийшталик” энг зарур асосий тушунчалардан биридир, шу боис келахакда унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун аниқлаштириш таклифи берилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари-нинг фикриға кўра, қонун лойиҳа-сида ветеринария тадбирларини ўтказишда ўзини ўзи бошқармаси органлари, нодавлат нотихорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар-нинг иштироки масаласини тартиб-ға солувчи нормаларнинг белгилаб қўйилиши эпизоттик мониторинг ва ветеринария хизмати органлари то-монидан ўтказиладиган профилак-тик, ташхислаш ҳамда даволаш тадбирлари самарадорлигининг ошишиға хизмат қилади. Шу билан бирга, фракция томонидан ветери-нария соҳасида давлат сиёсатининг

асосий йўналишларини аниқлашти-риш бўйича таклифлар берилди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракция-си аъзолари қонундан ушбу қонун лойиҳасини қабул қилишнинг дол-зарблиғи қайд этилди. Унда ветери-нария фаолиятининг асосий йўналишлари қаторида ветерина-рия соҳасида давлат бошқарувини амалға оширувчи органлар ваколат-лари аниқлаштирилганлиги таъкид-ланди. Шу билан бирга, фракция аъзолари маҳаллий давлат ҳокими-яти органларининг тегишли худуд-да ветеринар осийишталикни таъ-минлашға қаратилган чоралар қабул қилиш бўйича ваколатини аниқ белгилаб қўйиш лозим, деб фикр билдирдилар.

Ўзбекистон экологик ҳарака-ти депутатлар гуруҳи аъзолари-нинг фикрича, мамлакатнинг эко-логик ҳавфсизлиғи кўпчина атроф-муҳит ва фуқаролар соғлиғига бар-ча салбий таъсирдан эрта огоҳлан-тириш ва уларнинг олдини олиш тизимининг самарасига боғлиқ. Шу жиҳатдан, қонун лойиҳасида про-филактик, диагностика ҳамда даво-лаш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, биологик чикин-диларни сақлаш ҳамда йўқ қилиш-ға нисбатан талаблар белгилани-ш нафақат эпизоттик вазиятнинг, балки мамлакатда экологик муҳит-нинг яхшиланишиға ҳам хизмат қилади. Экоҳаракат депутатлар гу-руҳи аъзолари, шунингдек, Давлат ветеринария бош бошқармаси ва давлат ветеринария хизмати вако-латларини белгилайдиган норма-ларни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни илгари сурдилар. Йиғилишда соҳа олимлари, му-тахассис ҳамда экспертлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокама якунлари бўйича де-путатлар янги тахрирдаги “Ветери-нария тўғрисида”ги Қонунни қабул қилдилар.

Хар иккала қонунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Депутатлар кун тартибидаги бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Зиёда АШУРОВА.

“оммавий маданият” кўри-нишлари бўладими — бун-дай бало-қазоларни остана-мизға йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз тасвиридан асраш, доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизға айланмоқда. Мазкур долзарб масала ечими таълим-тарбия муас-сасалари ҳамда уларда хиз-мат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг сергакли-ғига, жонбозлиғига, куч-ғай-ратига боғлиқ. Қолаверса, “оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини янада кучайтириш, бошала-римиз тарбиясида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ҳар қандай жохлатға қарши маърифат билан ку-рашиш энг тўғри ва оқило-на йўл эканини кўрсатиш ло-зим. Бинобарин, фарзандла-римиз келажақимиз эгалари, уларнинг салоҳияти, таълим-тарбияси ва шижоати истик-болимизни белгилаб берув-чи асосий омиллардандир.

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

САЙЁҲЛИК ИНДУСТРИЯСИ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини эндиликда халқаро жамоатчилик тан олмақда ҳамда эътироф этапти. Айтайлик, бир вақтлар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз каби шаҳарларимиз ҳақида етарлича тасаввурға эға бўлганлар хорижликлар бугун бу ажойиб кентлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олганини яхши билади. Уларнинг тарихини чуқурроқ ўрганишға, зиёрат қилишға ошиқдир. Бинобарин, АҚШнинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузға эға бўлган интернет нашрларидан

бири Самарқандни “Дунёнинг албатта бориб қўриш керак бўлган элликта шаҳри” рўйхатига киритгани ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, дунёға машҳур “Евро-ньюс” телеканалда шу йилнинг сентябридан эътиборан Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида қадг диққатға сазовор жойлар тасвирланган лавҳалар намойиш этилаяпти. Бу чет элликларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Бугун Ўзбекистонда 1279 сайёҳлик ташкилоти, хусусан, 548 меҳмонхона, сайёҳлик базалари ва кемпинглар, 731 сайёҳлик компанияси фаолият юритмоқда. Дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, уларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётгани, янги сайёҳлик йўналишлари таклиф этилаётгани ту-

ортик давлатдан 700 дан зиёд фирма ва компаниялар вакилла-ри қатнашмоқда.

“Ўзэкспоарказ” мажмуаси-нинг мазкур ярмарка учун ажра-тилган павильонлари худудиға кириб боришнинг билан ҳовли-даги ажойиб манзаранинг ўзиёқ диққатингизни тортади. Миллий ижрочиларнинг куй-қўшиқлари садоси тадбирға байрамона руҳ бағишлаб турибди. Бир томонда миллий ўйинлар намойиш этила-япти, бошқа жойда эса юртимиз болларида етиштирилган ширин-шакар мевалар, қовуну тарвуз-лар, миллий таомлар таклиф қилинаётир. Хунармандларнинг ижод намуналари жойлаштирил-ган бўлимлар ҳам таширф бую-рувчилар, айниқса, хорижликлар-да катта қизиқиш уйғотаяпти.



Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

Ярмарка доирасида ташкил этилган “Миллий таомлар фестивали”, “Шарқ бозори”, “Ўзумнинг қуёшли шингиллари” экспозицияларида иштирокчи-ларға ўзбек миллий таомлари ҳамда саховати заминимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар билан танишиш, миллий пазандалигимиз ҳақида маълумотға эға бўлиш имкони-яти яратилган.

“Ипак йўлида туризм” йигир-ма биринчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида чет эл сайёҳлик компанияи ҳамда фир-малари, юртимизнинг етакчи сайёҳлик операторлари, меҳмон-хоналари вакиллари ўз хизмат турлари, маълумотларини тақдим қилмоқда.

Тадбир доирасида “Маданий меросни асраш Ўзбекистон сайёҳлик соҳаси ривожининг муҳим омил” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Ўзе-бекистоннинг Ипак йўлида туризм-ни ривожлантиришдаги ўрни, маданий мерос объектларини асраш, ўрганиш, жаҳон миёёси-да кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, бу орқали туризмни янада равнақ топтириш, сайёҳлик соҳасида кадрлар тайёрлашнинг истиқбол-ларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Халқаро кўргазма 7 октябргача давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

АКАДЕМИК
ЗОКИРЖОН САЛИМОВ



Ўзбекистон илм-фани огир жудоликка учради. Кимё соҳасидаги ийрик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Зокиржон Салимов 75 ёшида вафот этди.

З. Салимов 1940 йили ишчи оиласида туғилди. 1962 йили Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, мазкур олий ўқув юртида аспирантурада тахсил олди. 1967 йилда номзодлик, 1976 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент политехника институти катта ўқитувчиси, доценти, профессори, кафедра мудири, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Кимё институти директори, Умумий ва ноорганик кимё институти раҳбари каби маъсул лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда кимё-технология соҳасидаги долзарб илмий масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

З. Салимовнинг кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмалари, қўллаб мақола ва рисоалари илмий жамоатчиликка яхши маълум. Айниқса, унинг раҳбарлигида яратилган нефть-газ конденсати аралашмаларини сувсиз ҳайдаш технологияси ҳозирги кунда мамлакатимиз нефтни қайта ишлаш заводларида самарали қўлланаётганини таъкидлаш жоиз.

Жонкуяр ва талабчан раҳбар сифатида қўллаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевосита бошчилигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Атоқли олим, камтарин инсон Зокиржон Салимовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИХОВ

Янги маҳсулот ўзлаштирилди

Йўлчи туманидаги “Жўрабек алоқа сервис” хусусий корхонасида фанер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунда терак ва бошқа дарахтлардан асосий хом ашё сифатида фойдаланилмоқда.

ИЗЛАНИШ

Айни пайтда кичик бизнес субъектида ойига 6 минг донагача юқори сифатли қурилиш материали тайёрланаёпти. Компьютерлаштирилган дастгоҳ ҳамда ускуналар иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

— Фанер ишлаб чиқариш биз учун янги соҳа, — дейди корхона раҳбари Шўхратжон Отахонов. — Бунгача савдо ва маиший хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган эдик. Янги турдаги маҳсулотимиз сифати қурувчиларга маъқул тушди. Буни қисқа фурсатда 100 миллион сўмликка яқин буюртмалар олганимизда ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш керакки, хусусий корхона фанерларни, асосан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида тураржойлар бунёд этаётган қурилиш ташкилотлари-га етказиб бермоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ХҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ХҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа хужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модерни-зациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибadorликка ва саноат соҳасида тadbтиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материалларини фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бeрyвчи ғоялар қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Бухоро филиалида 2015 йил 6 ноябрь кuni соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибида ўтказиладиган oчиқ аукцион савдосига «1-авторхона» давлат унитар корхонасига тегишли, Бухоро шаҳри, Oқ масжид кўчаси, 2-уйда жойлашган, ер майдони 10226 кв.м., қурилиш майдони 2004,13 кв.м. бўлган бино-ишнoтлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 818 000 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 13, 20 ва 27 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчасига қуйидаги хужжатларни тақдим қилишлари шарт:

- аукцион савдосида қатнашиш учун ариза;
- закатлат пули тўғрисидаги келишув шартномаси нусхаси;
- савдо ташкилотчасининг қуйидаги ҳисоб рақамига кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси: АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиали, ҳисоб рақами: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662;
- жимсоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдосида ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади;
- юридик шахслар — давлат рўйхатидаги ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси. Аукцион савдосида ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари қуйидаги манзилда қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорларга кўчмас мулк билан танишиш имконияти яратилади.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. Телефон: (0-365) 221-58-97.

Хизматлар лицензияланган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби йўналишлардаги ҳамкорлик ҳам тобора ривожланмоқда.

Кореянинг Тэгү ва Пусан чет тиллари университетларида ўзбек тили, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик ва Самарқанд давлат чет тиллар институтларида корейс тили ўргатишмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юрлари Корея Республикасининг ўттиздан ортиқ илмий тад-

қиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келаётир. Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил этилиши таълим бoрасидаги ҳамкорлик кўлами ва истиқболининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Мамлакатимиз Жанубий Корея раҳбарияти илгари сурган “Евроосиё ташаббуси”ни қўллаб-қувватлайди. Ушбу ташаббус қадимий Буюк Ипак йўлини замонавий шароитларда қайта тиклашга қўшилган муҳим ҳисса

сифатида эътироф этилмоқда. Бунда Корея Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

«Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш мақсадида 2007 йилда таъсис этилган. Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган форум мажлисларида

икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ҳолати ва истиқболлари атрофлича муҳокама қилинади.

Форумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги юксак суръатларда тараққий этаётган ҳамкорлик самаралари ҳақида сўз юритилди. Бу алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳар икки мамлакат ҳам улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

— Соғлиқни сақлаш соҳаси Корея Республикаси ва

Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидандир, — деди Корея тиббиёт саноатини ривожлантириш институти глобал соғлиқни сақлаш департаменти директори Ким Су Унг. — Жанубий Кореянинг қўллаб клиникалари Ўзбекистон шифохоналари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Мутахассислар ўртасида тажриба алмашишуви йўлга қўйилган. Ташкилотимиз Ўзбекистон билан фаол ва самарали ҳамкор-

лик қилиб келмоқда, биргаликда қатор лойиҳалар устида иш олиб бoрмоқдамиз. Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, номоддий маданий ресурсларни асраш ва фойдаланиш, божхона бошқарувини ахборотлаштириш ва савдо-ни ривожлантириш каби қатор соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларига оид маърузалар тингланди. Форум доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбек пахта толаси: САНОАТБОП ВА ХАРИДОРГИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, уюшма томонидан ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш тadbирлари кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Хусусан, 2005 — 2011 йиллар давомида уруғлик чигит тайёрлаш цехларининг барчаси, пахта тозалаш корхоналарининг ярымидан кўпроғида модернизация-реконструкциялаш лойиҳалари муваффақиятли бажарилди. Навбатдаги бoсқич, яъни 2015 — 2020 йилларда эса яна 50 та пахта тозалаш заводиди реконструкция ишлари олиб бoрилади. Жумладан, жорий йилда тасдиқланган инвестиция дастури доирасида Манғит, Музработ, Бoғот пахта тозалаш корхоналаридаги эскирган технологик ускуна ва жиҳозлар замонавийларига алмаштирилади.

Модернизациялаш лойиҳалари ижросида илм-фан ҳамда техника ютуқлари, инновацион ишланмаларга устувор аҳамият бeрилатгани, айниқса, эътиборга молик. Мисол учун, шу йилдан эътиборан Бешарик пахта тозалаш корхонасида хом ашё-

ни қуришишда янги инновацион технология қўлланила бошланди. Шунинг ҳисобига нефть маҳсулотлари ва табиий газ сарфи кeс-кин камайиб, нам пахтани тўлиқ ҳамда узлуксиз қуришиш имконияти юзага кeлди.

Уюшма “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик компанияси ҳамкорлигида пахтани чуқур қайта

ишлашга қаратилган лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Қўнғирот ва Чимбой пахта тозалаш корхоналари негизида калава ип, трикотаж мато ҳамда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Ғузoр ва Бешкент пахта тозалаш корхоналарининг бўш турган биноларида тўқимачилик мажмуаларини ташкил қилиш каби лойиҳалар бунга мисол бўла олади.

2014 йили бўлиб ўтган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси давомида 580 минг тонна пахта толаси ва умумий қиймати

1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган тўқимачилик маҳсулотлари олди-сотдиси бўйича шартномалар тузилди.

ижобий кўрсаткичнинг қўлга киритилишида Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси (МАР) кўмағида ҳаётга тadbтиқ қилинаётган “Корхоналарнинг электр тежамкорлигини ошириш” лойиҳаси

муҳим роль ўйнапти. Қиймати 3,8 миллион АҚШ долларлиги ушбу лойиҳа доирасида еттига заводда мавжуд 100 дoна кўча фонарини ёритишда асқатувчи қуёш батарея-

ларига қўшимча яна 1200 дoна қуёш батареяси харид қилинди. Улар ёрдамида пахта заводларининг атрофи ёритилади. Пировардида ҳар бир заводда йилига 430 минг кВт электр энергияси иқтисод қилинади.

Шу билан бирга, барча пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш цехларига 441 дoна частотали ўзгaртиргич қурилмаси ўрнатилди. Улар электр энергияси сарфини камайтиришдан ташқари, юқори қувватда ишлайдиган электр двигателлари носoзлигининг олдини ҳам oлади. Қoлаверса, пахта тозалаш корхоналари реактив қувват сарфини камайтиришга хизмат қилadиган 217 дoна компенсатор қурилмаси билан жиҳoзлангани ҳам диққатга сазовордир.

Ярмарканинг асосий тadbирлари ўтказиладиган “Ўзэкспо-марказ” мажмуидан уюшма учун ажратилган кўргазма майдонлари ҳам шай ҳoлатга келтирилмоқда. Бу ерда тизим корхоналарининг ишлаш жараёнини тўлиқ акс эттирувчи экспонатлар, жорий йилги пахта ҳосилидан олинган толаралардан намуналар намойиш этилади.

Буларнинг барчаси XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасини юксак савияда ташкил этиш ҳамда ўтказиш, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хорижий харидорлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада такомиллаштиришга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«KO'P TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибида ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 октябрдаги 10-1416/14501-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Д-20-«А» мавзеси, 8-уй, 130-131-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 137,0 кв.м.дан иборат офис биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 465 315 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 5 ноябрь кuni соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли хужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кuni қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 611-хона. Телефонлари (0-671) 249-54-59, 249-58-61.

«KO'P TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 15 сентябрдаги 179-сониди чоп этилган, 2015 йил 14 октябрдаги савдога қўйилган бошланғич баҳоси 3 650 600 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйилма мавзеси, У. Олимбеков кўчаси, 2-уйда жойлашган, «FAR-EKO-PLAST» МЧЖга қарашли, умумий майдони 6337,0 кв.м., 12 та литердан иборат бўлиб, шундан (11,0 кв.м., яъни 0006-литер — қоровулхона бузиб ташланган) цех, маъмурий бино ва ёрдамчи бинолар аукцион савдосидан олинди.

Асос: Сергели тумани СИБнинг 2015 йил 28 сентябрдаги 18548/9-сонли хати.

Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон (0-671) 249-54-59.

«KO'P TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 26 сентябрдаги 187-сониди чоп этилган эълонидида «Аукцион савдосига Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 19 июндаги 1-2584/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси 54 167 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14 мавзеси, 12-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 57,56 кв.м., тураржой майдони 27,84 кв.м., 2 та хонадан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда» сўзлари ўрнига «Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Шайхонтоҳур тумани ФИБ судининг 2015 йил 19 июндаги 1-2584/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14 мавзеси, 12-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 57,56 кв.м., тураржой майдони 27,84 кв.м., 2 та хонадан иборат бўлган 25-хонадон (тураржой) қўйилмоқда», деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган.

Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон (0-671) 249-54-59.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 22 октябр кuni соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тартибида ўтказиладиган oчиқ аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 21 апрелдаги 10-1510/2172-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Панжикент кўчаси, 110-уйда жойлашган, ер майдони 10023,79 кв.м., фойдаланиш майдони 4096,99 кв.м., қурилиш ости майдони 3714,81 кв.м. бўлган, «Самарқанд махсус жиҳозлаш ва созлаш бошқармаси» МЧЖга тегишли бино-ишнoтлар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 500 000 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 9 ноябрь кuni соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридида кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.

Хизматлар лицензияланган.

18.04.16

18.04.16

Спорт

ДЗЮДО

Пойтахтимизда дзюдо бўйича ташиқл этилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир якунланди.

Гран-при турнири якунланди

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси ҳамда мамлакатимиз Дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур мусобақада 52 давлат-

тоифасида олтин медалга эгалик қилган спортчи 300, кумуш медал соҳиби 180, бронза медалини қўлга киритган атлет эса 120 рейтинг очкосига эга бўлди.

Турнирда вакилларимиз муносиб иштирок этди. Жумладан, тажрибали



нинг 355 нафар спортчиси совринли ўринлар ва 2016 йили бўладиган XXXI Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун ўзаро беллашди. Қондага кўра, ўз вазн

(-90 кг) ва Соиб Курбонов (-100 кг) бронза медал билан тақдирланди.

Шундай қилиб, Гран-при турнирида дзюдочиларимиз умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

Ҳамюртларимиз совриндорлар сафида

Хитой Тайпейнинг Тайюань шаҳрида эшитиш қобилиятини йўқотган спортчилар ўртасида давом этаётган Осиё-Тинч океани ўйинларида мамлакатимиз таъқвондочилари учта бронза медални қўлга киритди.

Мусобақада терма жамоамиз аъзоларидан Даврон Хидиров, Гулмира Дадажонов ва Маффуза Курбонова ўз вазн тоифасида совриндорлар сафидан жой олди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, эшитиш қобилиятини йўқотган спортчилар ўртасида Осиё-

Тинч океани ўйинлари бу гал саккизинчи бор ташиқл этилди. Унда 25 давлатдан 1500 нафар иштирокчи энгил атлетика, бадминтон, велоспорт, футбол, боулинг, футзал, дзюдо, стол теннис, сузиш, таъқвондо, теннис ва баскетбол каби спорт турлари бўйича беллашмоқда.

Икки ўйин, икки галаба

Ўн тўққиз ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш босқичини муваффақиятли ўтказмоқда.



Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрида давом этаётган мусобақада "А" гуруҳидан жой олган вакилларимиз Бутан, Шри-Ланка ва мезбонлар вакилларига қарши беллашапти.

Биринчи турда футболчиларимиз бутанлик тенгқурларини 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Голларга Хусниддин Гофуров, Шароф Муҳиддинов, Бобур Абдуҳолиқов (2 та), Санжар Қодирқулов, Саиджамол Давлатжонов ва Нурилло

Тўхтасинов муаллифлик қилди.

Иккинчи турда эса вакилларимиз Шри-Ланка ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 3:0 ҳисобида галаба қозонди. Ўйинда Нурулло Тўхтасинов, Достон Иброҳимов ва Санжар Қодирқулов гол киритди.

Терма жамоамиз саралаш босқичининг сўнгги учрашувини бугун майдон эгаларига қарши ўтказди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Санъат мактабларидан — жаҳон саҳналарига



Чунончи, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда имзоланган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларга янада изчиллик бағишлади.

...Ўтган йили пойтахтимизда ташиқл этилган "Она юрт оҳанглари" халқаро кўрик-танловини оҳангаронлик Хушнуд Ҳасанов узоқ эслаб юрса

ажабмас. Гап шундаки, мазкур тадбир бошловчиси тумандаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабида қашқар рубоби бўйича таҳсил олган Хушнудни саҳнага қорлаганда, фортепиано ёрдамида унга жўр бўладиган концертмейстерлар қутилмаганда саросимага тушиб қолишди. Буни қарангки, танловга тайёрлаб келинган мусиқий асар нотаси туширилган қўлланма уйда қолиб кетибди. Нима қилиш керак? Узрхоҳлик билан танловни тўхтатиш ёки мусиқий композицияни бошқасига алмаштириш ноқулай. Қола-

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тақдим этган маълумотномадаги бир жиҳат эътиборимизни тортиди. Кейинги уч йил давомида воҳадаги мусиқа ва санъат мактабларининг 50 нафардан ортиқ ўқувчиси халқаро миқёсдаги нуфузли танловларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олган экан. Шубҳасиз, мамлакатимизда санъат сирларини пухта эгаллаётган ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариш учун муносиб шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилаётгани бугунги кунда ўз самараларини бермоқда.

верса, ҳайъат таркибида хориждан таширф буюрган нуфузли мусиқашунослар ҳам бор.

Бўлажак маэстро ўзини йўқотмади, оғир-вазмин қадамлар билан саҳнага кўтарилди. Озарбайжонлик классик бастакорнинг "Концерт" арияси иккинчи ва учинчи қисмларини ўта маҳорат билан ижро этган ёш мусиқачини йиғилганлар тик туриб олқишлашди. Энг муҳими, у танловдан нафақат совриндорлик дипломи билан, балки астойдил қилинган меҳнат ҳар қан-

дай вазиятда ҳам асқатишини англаб қайтди.

Халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган Хушнудбек янги ўқув йилидан бошлаб тахсилни Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар академик лицейида давом эттирмоқда.

— Шогирдларимиз орасида бундай ноёб истеъдод эгалари жуда кўп, — дейди Оҳангарон туманидаги 6-мусиқа ва санъат мактаби директори ўринбосари Алишер Абдуллаев. — Муҳими, улар турли

кўрик-танловлар ҳамда мусиқа ва санъат фестивалларида юксак натижаларни қўлга киритиб келишмоқда. Масалан, Фотима Бойсафарова, Абдулазиз Абилов, Муроб Маҳмудов каби иқтидорли ўғил-қизларимиз мамлакат миқёсидаги турли танловлар совриндорига айланишган. Энди улар учун навбатдаги доvon — жаҳон саҳналари. Шу кунларда мактабимиз хориж давлатларидан халқаро санъат фестивалларига таклифномалар олган. Иқтидорли ўқувчиларимиз билан ана шундай юқори даражадаги ижодий кўриқларга ҳам пухта ҳозирлик кўраяпмиз.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда пойтахт вилоятидаги 30 дан ортиқ мусиқа ва санъат мактабларида олтин нафардан зиёд ўғил-қизлар тахсил олаяпти. Уларга 900 нафарга яқин малакали ўқитувчи ҳамда мураббий миллий ва жаҳон мусиқа асбоблари, анъанавий хонандалик, тасвирий ҳамда амалий санъат каби 14 йўналиш бўйича сабоқ бермоқда. Кейинги йилларда вилоятда 12 та мусиқа ва санъат мактаби янгидан

барпо этилган бўлса, мавжудлари мукаммал реконструкция қилинди.

Хусусан, биз ҳикоя қилаётган маданият даргоҳи ҳам манзилли дастур асосида бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий шарт-шароитларга эга бўлди. Мактабга янги туркумдаги миллий ва жаҳон мусиқа асбоблари, ўқув қўлланма ҳамда дарсликлар келтирилди. Санъат сирларини ўрганишга иштиёқманд оҳангаронлик ёшларнинг сеvimли масканига айланган бу муассасада ҳозир 250 нафардан зиёд ўғил-қиз устозлари ёрдамида ўз маҳоратларини ошираётир.

"Дунёни гўзаллик қутқари", дейишади. Чинакам гўзаллик эса санъат билан барҳаётдир. Не бахтки, қалби эзуликка лиммолим санъатсевар ўғил-қизларимиз жаҳон саҳналаридан ўз истеъдодларини намойён этиб, Ватанимиз доврғини дунёга янада кенг-роқ ёйишмоқда.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

куйидаги ихтисосликлар бўйича 2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

КАТТА ИЛМЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР ИНСТИТУТИГА: (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)
07.00.09 - Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар — 2 ўрин.
07.00.10 - Миллий ва иқтисодий хавфсизлик муаммолари — 1 ўрин.
08.00.13 - Менежмент — 2 ўрин.
12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи — 1 ўрин.
12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи — 1 ўрин.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта) ҳамда тезислар (камида иккита) нусхаси;
- илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди дипломига эга талабгорлар бундан мустасно);
- илмий маслаҳатчи сифатида етакчи олимлардан бирининг ёзма розилиги;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 45-уй.

Мурожаат учун телефон: (0-371) 232-60-67.

Электрон манзил: www.m.abdujamilova@mail.ru

1374A/637

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

тасарруфидаги илмий тадқиқот муассасалари учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига 2016 йил учун куйидаги илмий йўналишлар бўйича қабул эълон қилинади:

- физика-математика ва техника;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумотлар ва талаблар билан Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш биришмалари ҳамда марказлари ва минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтихонлари 2015 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига кирувчилар куйидаги фанлардан имтихон топширадилар:

- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси;
- чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил);
- мутахассислик.

Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтихонларини топширишдан озод қилинадилар.

Кўшимча маълумотларни www.academy.uz сайтидан олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 233-59-46, 236-77-07.

1375A/636

ЭЪЛОНЛАР

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Републикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкаларини бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябргача қилиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

1376A/67

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 7450-24-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 19-уйда жойлашган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 102 502 493 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Мустақиллик 1-тор кўчаси, 21-уйда жойлашган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 135 056 825 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 26 октябр кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўҳоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 26 октябр кўнидаги савдода сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2015 йил 11 ноябрь кўни бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖ ТИФ МБ Учтена филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050001, МФО: 00918, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўҳоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.

Хизматлар лицензияланган.

1376A/70

“Ўзстандарт” агентлиги Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти директори ўринбосари Салригдин Икромовга волида муҳтарамаси

Машқура ая ИКРОМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзлугуржисавдонинвест” уюшмаси жамоаси уюшма ходими Акмал Турсуновга волида муҳтарамаси

ДИЛДОРАХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1376A/70

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корҳона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.10 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5